

ТОШКЕНТ ХАКИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ШАХАР
КОМИТЕТЛАРИ, МЕХНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ
ОБЛАСТЬ ВА ШАХАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№ 173 (664)

2

СЕНТЯБРЬ
ЯКШАНБА
1956 ЙИЛ

БАҲОСИ
20 ТИВИН

Б У Г У Н Г И С О Н Д А:

Тошкент область ижроия комите-
ти ва Ўзбекистон КП область коми-
тетида (1-бет).
Кўп ва юқори сифатли пахта те-
риш учун (1-бет).
Индонезия президенти Сукарно-
нинг Ленинградда бўлиши (1-бет).
СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИ-
ДИУМИНИНГ ФАРМОНИ (1-
бет).
Область саноат корхоналарида
(1-бет).

Яна жонажон мактаб кучогида
(2-бет).
ХИКОЯ: Мирмухсин. — Дорбоз-
лар (2-бет).
Областимиз колхоз ва совхозла-
рида сентябрь ойида йиллик план-
нинг 50 проценти миқдориди пахта
тайёрлашига эришайлик! (3-бет).
А. Тўлаганхўжаев, З. Исроилов. —
Аҳолига сифатли ва хушбичим ки-
йимлар зарур (3-бет).

Л. Вольнов. — Вьетнам Демокра-
тик Республикасининг 11 йиллиги
(4-бет).
Элгар Фор жанобларининг СССР-
да бўлиши (4-бет).
СССР билан Япония ўртасида
муносабатларни нормаллаштириш
тўғрисида Совет-Япон музокарала-
рига доир (4-бет).
Миср президентининг АҚШ элчи-
сига баёноти (4-бет).

Пахтакорлар ўртасида оммавий- сиёсий ишларни кучайтирайлик

Партия ва ҳукуматимизнинг ота-
ларча қилаётган ғамхўрликларидан
қалблар кувончларга тўлиб-тошган
азамат пахтакорларимиз ўзларининг
бутун куч-қайратларини шу кунда
пахта йиғим-теримини, оммавий ра-
вишда қилиб юборишга қаратмоқ-
далар. Бу бўйи далада гер тўкиб
етинирилган мўл пахта ҳосили-
нинг бир граммни ҳам ноҳуд қил-
май давлатга териб топириши,
олинган социалистик мажбурият-
ларни алоҳида бажариш — пахта-
корларимизнинг ор-номус ва шон-
шараф иши бўлиб қолди. Бу гоят
масъулиятининг муваффақия-
ти кўп жиҳатдан пахтакорлар ўр-
тасида оммавий-сиёсий ишларни
кучайтириб юборишимизга боғлиқ-
дир.

Қишлоқдаги оммавий-сиёсий иш-
ларнинг ҳаммаси ҳозир даланинг
ўзига қўйилганини керак. Агитатор-
ларимизнинг овози мўл пахта ҳоси-
лини йиғиб-териб олишнинг тақди-
ри ҳал этилаётган жойда — дала
ийлонларида, хирмонларида, пахта
пунктларида, транспорт бригадала-
рида, теримчилар, механик-ҳайдов-
чилар ўртасида жаранглаб ошпи-
либ турсин. Оммавий-сиёсий иш-
ларнинг ҳал этувчи аҳамиятига тў-
ла тушуниб етилган областимиз кол-
хозларида, совхозларида ва МТСла-
рида бу муҳим таъбир учун бар-
ча зарур шарт-шароитлар ву-
жудга келтирилган. Бригадалар-
нинг дала ийлонлари мукамал
жиҳозланган. Пахтакорлар дала
ийлонларида маданий ва маъна-
вий дам олишлари учун барча им-
кониятлар бор. Уларга радио ва
кутубхоналар узалдиш хизмат қи-
лади. Дала ийлонлари газета ва
журналларни, оммабон бромфурлар-
ни ўз вақтида қўлаб олиб ту-
рилади.

Сирдарё райониди Охунбобоев
ноҳли колхоз партия ташкилотини
сиёсий айтилишининг кучига,
ушнинг омма билан доим алоқа-
да бўлиб туриш ва омма
хўжалик ҳамда маданий кури-
лишнинг ривожланиши бажар-
ишга сифарбар этилиб ҳал қи-
лувчи роляга тўла баҳо бермоқда.
Шунинг учун ҳам колхоз партия
ташкилотини агитаторлар иши билан
доим қилиб туради, агитаторлар-
ни бирор нарсага ўқиб бериш еки
сўзлаб беришдан ташқари, пахта-
корларни ихломлантира олишга, ян-
гилдан-янгидек меҳнат зафарлари
қўлга олишга ҳам ўргатади. Бу
колхознинг далалик бригадалари
да ҳозир 10 та дала ийлони иш-
лаб турипти. Уларда 20 дан ортиқ
агитатор иш олиб бормоқда. Колхоз-
чилар учун лекциялар ўқиб, улар
билан суҳбатлар ўтказиш ишига
активлар жааб этилган. Пахтакор-
лар ўртасида оммавий-сиёсий иш-
ларни ана шундай тўғри йўлга қўя
олган колхоз партия ташкилотлари-
ни областимизда қўлаб олиш
мумкин.

Бирок оммавий-сиёсий ишларга
рўйхатга олинган агитаторларнинг
сонига қараб, улар қанча суҳбат
ўтказганлигига қараб баҳо бераёт-
ган. Ўтказилган суҳбатлар қан-
дай бўлганлиги, уларнинг савия-
си ва мазмун билан қанча-кам
қизиқайтган партия ташкилотлари
ҳам ошмас.

Верхне-волжск райониди Эн-
гельс ноҳли колхоз партия ташки-
лоти оммавий-сиёсий ишлар ўтказ-
аишга ана шундай расмийла-
шчилик билан қарамоқда. Бу колхоз-
да агитаторларнинг бутун иши ах-
борот бериш тартибиди яшлар-
дан нари ўтмайди. Илгор иш таж-

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИ ВА ЎЗБЕКИСТОН КП ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИДА

Областдаги каноп, жут етиштирувчи МТС ва
колхозларга топириш учун кўчма Қизил
байроқ таъсис этиш тўғрисида

Каноп ва жут экинлари ҳосилини
йиғиштириб олиш ва давлатга топи-
риш мазсидан план билан бажариш,
КП-9 ва ЖК-2.1 маркали машиналардан
ушунли фойдаланиш, уруллик ка-
нопини янчиш ва бу экинлар ҳоси-
лини жут-каноп заводларига топи-
риш мазсидан социалистик му-
собақада яхши кўрсаткичларга
эришганликларга учун берилади.

3. Кўчма Қизил байроқни топи-
риш учун ўтган ўн кунликда
каноп-жут экинлари ҳосилини тай-
ёрлаш планини бажариш мазсидан
энг юқори процентга эришганлик
асосий кўрсаткич қилиб олинади.

4. Кўчма Қизил байроқ Ушлан-
дуб ҳамда област қишлоқ хўжалик
бошқармаси томонидан тақдир
этилган материалларга асосан бери-
лади.

рибасини оммалантириш, айниқса
ҳозир колхозда зарур масала бўлган
меҳнат иштирокини мустақамлаш
масалалари партия ташкилотининг
ҳам, агитаторларнинг ҳам эътиби-
ридан четда қолган. Колхозда ҳур-
мат тахтаси, деворий газета, жанго-
вар варақа сингари айтилишининг
энг муҳим воситалари унутиб юбо-
рилган.

Кўнгина колхозларда, МТС ва
совхозларда оммавий-сиёсий ишлар-
нинг ҳаммаси агитаторларнинг зим-
масига бўғунай юклаб қўйилган.
Район партия комитетлари ҳоҳим-
ларининг, колхоз, совхоз, МТС пар-
тия ташкилотлари секретарларининг
кўнгина қисми меҳнаткашлар
орасида қаман-кам бўлади, улар
учун сиёсий докларлар ўқимайди-
лар, суҳбатлашиб турмайди. Бес-
нут район партия комитетининг
секретарлари ва район ижроия ко-
митетининг кўнчилик раҳбар ҳоҳим-
лари колхозчилар ўртасида қаман-
кам лекциялар ўқийдилар, суҳбат-
лар ўтказмайдилар.

Областимиз қишлоқ хўжалик
меҳнаткашлари олдига олинган со-
циалистик мажбуриятларини алоҳида
бажариш — бу йил давлатга ка-
мида 465 минг тонна пахта териб
топиришдек энг шарафли ва
масъулиятли вазифа турипти. Об-
ластимиз пахтакорлари бу вазифани
муваффақият билан бажариш билан ў-
ларга тўғрисида, совет пахтачилар-
ни янада яшнатин ҳақида тинмай
оталарча ғамхўрлик қилаётган жо-
нажон Коммунистик партияга ва
Совет ҳукуматига чексиз содиқ
эканликларини ана бир марта намо-
йиш қилиб кўрсатган бўлади.

Мамлакатда пахтачиликни бун-
дан бун янада юксалтиришни таъ-
минлайдиган жуда катта масалалар
ҳал қилиб бериладиганини, бу ма-
салалар юксалдан қабул қилинган
тарихий ҳужжатларнинг чуқур
мазмунини ҳар бир пахтакорлар
тўла тушуниб бериш, бу ҳуж-
жатларни колхозчилар, совхоз иш-
чилари ва МТС механизаторлари ўр-
тасида сиёсий активлики ва меҳ-
нат ғайратини янада оширишнинг
муҳим воситасига айлантириш
партия ташкилотларининг, барча
агитаторларимизнинг шарафли иши-
дир.

Мамлакатда энг кўп пахта териб
топириш учун бошланган соци-
алистик мусобақага барча пахтакор-
ларнинг актив суратда қўшилиши-
га эришини, илгор теримчиларнинг,
моҳир механик-ҳайдовчиларнинг иш
таърибасининг дарҳол кенг оммала-
штириш, далада ишлаётган ҳар бир
колхозчи, совхоз ишчиси, МТС хо-
лдининг маданий ва маънавий ҳо-
лдинини энг кўп даражада қон-
диришни таъминлаш — партия,
совет ва комсомол ташкилотлари-
нинг жанговар вазифасидир. Аги-
таторларимиз жон куйдириб меҳ-
нат қилишни ёқтирмайдиган ки-
шиларга нисбатан мурасасиз бў-
лишлари, ишқамс дандасаларга қар-
ши, хотиржамлик ва ўзбўларчилик
кайфиятларига қарши таяқид ўти-
ни авж олдиришлари керак.

Партия ташкилотлари оммавий-
сиёсий ишларни қилиб юбориб,
шу асосда пахтакорларни янгидан-
янгидек меҳнат зафарларига илҳомла-
штиришлари, ҳар бир колхоз ва ҳар
бир совхоз давлатга пахта топи-
риш планларини Улуғ Октябрь со-
циалистик революциясининг 39
йиллиги кунига бажаришга эри-
шишлари, 20 октябрдан кечикмай
барча пахта ҳосилининг йиғиб оли-
лишини ва социалистик мажбурият-
ларининг тўла бажарилишини таъ-
минлашлари лозим.

Кўп ва юқори сифатли пахта териш учун!

Пахта теримида қизғин киришилди

Ингидў район колхозлари пахта
теримини бошлаб юбордилар. Бу
ишга биринчи бўлиб Навоий ноҳли
колхоз аъзолари киришдилар. Кол-
хознинг Нияз Рустамов бошлиқ бри-
гадасиди 53 теримчи кундалик
нормасини ошириб бажармоқда.
Зухра Рустамова, Уталиев Тўла-
нова, Раҳима Тўйчиева сингари че-
вар теримчилар дастлабки кунлар-
да 80-90 килограммдан пахта
термоқдалар. Улар мавсумда 10-15
тоннадан пахта териш мажбуриятини
олдилар.

Ленин ноҳли колхозининг 26 бри-
гадасида терим ишлари қизғин тус
олади. Бу соҳада Абдурахмон Ха-
кимов бошлиқ бригада аъзолари ол-
динда бормоқдалар. Улар пахта тай-
ёрлаш планини 20 октябргача
бажариш учун курашмоқдалар. Ма-
всумда 15 минг килограммдан пахта
терим мажбуриятини олган Холжон
Йўдошев, Пария Абдурахмонова
ўртоқлар шу кунларда 100 кило-
граммга етказиб пахта термоқдалар.
Бу йил колхозда 2 минг киши те-
римга қатнашади. Уларнинг кўн-
чилиги 10-15 тоннадан пахта те-
риш мажбуриятини олган.

А. МЕЖИКОВСКАЯ.


Еш механизаторлар ўз агрегатларини тайёрлаб қўйдилар

Оққўрғон райониди 2-МТС ме-
ханисаторлари пахтадан мўл ҳосил
етиштиришда колхозчилар билан
ҳамкорликда фидокорона меҳнат
қилишди. Улар ўзла парваршиш
даврида 3230 гектар ердаги ўзла-
ни култивация қилиб бериш маж-
буриятини олган эдилар. Бу маж-
бурият ошириб бажарили. Комсомол
аъзоси Нурмат Мамажўлов, Исмет
Тўтаев ва Салом Мармуқов ўр-
тоқлар 305 гектар майдондаги ў-
заларни икки томонлама 4 марта
сифатли култивация қилишди.

Пахтадан мўл ҳосил етиштириш-
га муносиб ҳисса қўшган бу моҳир
ва ишчан механизаторлар пахта йи-
ғим-терими даврида ҳам колхозга
ёридам бериш учун астойдил тайёр-
лик кўрмоқдалар. Улар шу колхозда
пахта териш учун 4 та «СХМ-48»
маркали пахта териш машинасини
ремонтдан чиқардилар.

З. БОЛТАЕВ.

ЁШ ПАХТАКОР БОШЛИҚ БРИГАДАДА



Холжон Шодмонқуловнинг Мирзақўлга келганига ҳали кўп
вақт бўлган йўр. У, Самарқанд областининг Зоми районидан
қўчиб келган. Ёшларда қандайдис ўстириш кўрган Холжон
пахта ўстириш қилиб бўлади, деб ўйлар эди. У, Мирзақўла рай-
ониди Бореилов ноҳли колхозда ишлаб юрганди. Мирзақўла
ерларини ўзлаштириш, бу ерлардан мўл ҳосил етиштириш учун
курашди. Ёш Холжон Шодмонқулов бригада бошлиғи бўлиб иш-
ламоқда. Бригадада 75 гектар ер бериштирилган. Бу ерларнинг кўп
қисми 2-3 йил илгари ўзлаштирилган қўриқ ерлардир. Ёш пахта-
кор бошлиқ бригада аъзолари пландаги 28 ўрнига гектаридан
30 центнердан ҳосил етиштириш учун астойдил меҳнат қилишди.
Бригада аъзолари ҳозир ҳам колхознинг бошқа бригадаларидан
олдинда бериш учун курашмоқдалар. Улар машина билан пахта
теримини муваффақиятли ушотириб, йиғим-терим ишларини ўтган
йилдаги нисбатан 15 кун илгари тугаллаш мақсидида фидокор-
лик билан меҳнат қилмоқдалар.

Суратда: бригада бошлиғи Холжон Шодмонқулов.
Юдин фотоси.

Область саноат корхоналарида

Пахтакорларга ёрдам

«Колхоз, совхоз ва машина тра-
ктор станциялари машиналари ре-
монтта наъбатсиз қабул этилади ва
жўнатилади...». Тошкентдаги 1-ав-
торемонт заводи дарвозасига ана
шундай ёзлов осиб қўйилган.

Шу кунларда завод ишчилари-
нинг бутун диққати пахтакорлар
заказини тез ва сифатли қилиб ба-
жаришга қаратилган. Капитал ре-
монт учун қисмлар тайёрловчи цех
ишчилари Пахта байрам шарафи-
га вахтада туриб ишлаб, август ойи
планини 115 процент қилиб ба-
жаришди.

Ўртоқ П. М. Застеба бошчилик
қилаётган конвейер цехининг иш-
чилари ҳам август ойи планини
муддатидан олдин бажаришди. За-
вод коллективни 30 сентябргача
колхоз, совхоз ва МТСларнинг 570
юк машинасини капитал ремонт қи-
либ бериш учун фидокорлик билан
меҳнат қилаётди.

А. АБДУРАХИМОВ.

Илгор пойафзалчилар

Чирчиқ пойафзал фабрикасининг
коллективи маҳсулот ишлаб чиқар-
ишни кўпайтириш, аҳолига қўн-
лаб нухта ва чиройли пойафзал ет-
казиб бериш учун курашда катта
муваффақиятларни қўлга киритмоқ-
да. Корхонада 8 ойлик план белги-
ланган муддатдан бир неча кун ол-
дин бажарилиди. Шу кунларда за-
вод ишчилари турли типдаги тракт-
ор ва бонча қишлоқ хўжалик агра-
гатлари учун запас қисмлар иш-
лаб чиқармоқдалар.

Йилда Ингидў райониди пахта-
кор колхозларга, Мирзақўла,
Верхне-волжск МТСларига бир не-
ча юз минг сўмлик маҳсулот жў-
натилади.

Цехларо социалистик мусобақа-
нинг яхши ташкил этилганлиги
натijasида илгорлар сафи кун са-
йин кенгайиб бормоқда. Ўртоқ
Хаётский бошлиқ цехларик-асбоб-

Т. ФАЛЛОВ.



Тошкентдаги ремонт-подшипник заводиди ишлаб чиқариш ил-
горлари сони тобора ортиб бормоқда. Суратда: смена нормасини
доимо 150-200 процентдан бажариб келаётган илгор ишчи
Шарифа Гуломова детални силқитмоқда.

А. ПАЛЕХОВ ФОТОСИ.

Қишлоқ хўжалиги учун

Қишлоқ хўжалик машиналари
учун запас қисмлар тайёрлаб бе-
рувчи «Автомотордеталь» заво-
дининг ишчилари, инженер-техник
хўжалик фидокорона меҳнат қи-
лаб, 8 ойлик яхши ва товар маҳ-
сулоти ишлаб чиқариш давлат
планини муддатидан бир неча кун
олдин бажаришди. Шу кунларда за-
вод ишчилари турли типдаги тракт-
ор ва бонча қишлоқ хўжалик агра-
гатлари учун запас қисмлар иш-
лаб чиқармоқдалар.

Йилда Ингидў райониди пахта-
кор колхозларга, Мирзақўла,
Верхне-волжск МТСларига бир не-
ча юз минг сўмлик маҳсулот жў-
натилади.

Цехларо социалистик мусобақа-
нинг яхши ташкил этилганлиги
натijasида илгорлар сафи кун са-
йин кенгайиб бормоқда. Ўртоқ
Хаётский бошлиқ цехларик-асбоб-

асбоб цехининг ишчилари август
ойи ишлаб чиқариш планини 116,9
процент бажариб, завод кўчма Қи-
зил байроғини олдилар. Сасарь
Какуриш, токарь Новиков, сизил-
ловчи Суванов ўртоқлар каби илгор
ишчилар смена нормаларини 200-
220 процентга етказиб бажаришди.
Питус цехининг ишчилари ҳам
ғайрат билан меҳнат қилиб, ойлик
планини муддатидан анча олдин ато
этишди.

Заводнинг конструкторлик бю-
роси янги маҳсулотлар ишлаб чиқар-
иш устида иш олиб бораётди.
Конструкторлар Мирзақўлда қўриқ
ва бўз ерларни ўзлаштиришга ўз
хўсёлларини қўшиб мақсадли
1957 йилдан бошлаб «ВН—24—5»
маркали вертикал-парраллик насос-
лардан 80 тасини ишлаб чиқариш-
га тайёрлаш устида ишламоқдалар.
А. АБДУАЗИМОВ.

Индонезия президенти Сукарнонинг Ленинградда бўлиши

ЛЕНИНГРАД, 31 август. (ТАСС).
Индонезия республикасининг прези-
денти Сукарно ва унинг ҳамроҳ-
лари бутун Ленинградга келдилар.
Индонезиялик меҳмонларни кутиб
олиш учун жинглаларча Ленинград-
ликлар тўланди. Воқзал перрони
Индонезия, СССР ва РСФСР бай-
роқлари билан, индонез ва рус
тилларида таъриқ сўзлари ёзилган
қизил алвонлар билан безатилган
эди.

Президент Сукарно билан бирга
СССР Олий Совети Президиуми
Раисининг ўринбосари Ш. Р. Ра-
шидов, СССР Олий Совети Прези-
диумининг секретари А. Ф. Горкин
ва бошқа раъсий шахслар ҳам Ле-
нинградга келдилар.

Хурматли меҳмонларни Ленин-
град шаҳар Совети Ижроия Ко-
митетининг раиси Н. И. Смирнов,
КПСС область комитетининг секре-
тар Ф. Р. Козлов ва бошқалар ку-
тиб олдилар.

Н. И. Смирнов шаҳар Совети иж-
роия комитети ва Ленинград аҳо-
лиси номидан меҳмонларни таъриқ-
лаб нутқ сўзлади.

Шундан кейин президент Су-
карно нутқ сўзлади.

— Ёш, индонезия миллати, — де-
ди у, — революция стадиясиди,
империализмининг ва мустамлакачи-
ликнинг ҳамма формаларидан ҳа-
лос бўлиш стадиясиди турибмиз.

Мен бу шаҳарга келганим учун
жуда хурсандман, чунки Ленин-
град рус революциясининг маркази
бўлганини биламан. Бутун дунёни
ларзага келтирган буюк рус рево-
люцияси шу шаҳарда бошланган
эди.

Бизнинг СССРга келишимиздан
мақсад — индонез ва совет халқ-
ларининг дўстлигини мустақам-
лашдан аборатир ва мен бу дўст-
ликнинг тобора мустақамлашгани-
га аминман.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

Ўртоқ Ю. И. Дудининг Меҳнат Қизил Байроқ
ордени билан мукофотлаш тўғрисида

Украина ССР Министрлар Сове-
тининг СССР Министрлар Совети
хузуридаги доимий нақил Ўртоқ
Ю. И. Дудин тугилган кунининг эл-
лик йиллиги муносабати билан

ҳамда унинг Совет давлати олди-
даги хизматларини тақдирлаб, Ўртоқ
Юрий Иванович Дудин Меҳнат
Қизил Байроқ ордени билан муко-
фотласин.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси К. ВОРОШИЛОВ,
СССР Олий Совети Президиумининг Секретари А. ГОРКИН.

Москва, Кремль.
1956 йил 31 август.

Мусобақа ғолиби

Бекобод шаҳар қурувчилари
ва бинокорлик материаллари кор-
хоналарининг коллективлари КПСС
XX съедининг тарихий қарорлари-
ни амалга ошира бориб, шу йилнинг
ўтган ойлари майдонда дастлабки
йутқаларни қўлга киритдилар.

Бинокорлар кўни шарафига бош-
ланган мусобақада УНР-704 кол-
лективи айниқса яхши нати-
жаларни қўлга киритди.

Бонқармада илгор иш усуллари-
ни кенг оммалантириш, қурилиш-
нинг прогрессив технологиясини ва
янги техникани жорий қилиш, би-
нокорларнинг маънасини тинмай
ошириш масалаларига алоҳида
эътибор беришмоқда. КПСС Марказий
Комитети ва СССР Министрлар Со-
ветининг йилга темир-бетон кон-
струкциялари ва деталлари ишлаб чи-
қаришни кўпайтириш ҳақидаги қароридан сўнг бонқарма коллективи
бинокорлик материалларининг ана
шу янги хилини тайёрлашни ўз-
лаштирилди. Бу таъбир қўйиш
суръатини кескин суръатда оши-
риш сифатини яхшилаш ва таъ-
нарини қаматириш имконини
берди. 3-Бекобод ва Ховос МТСлари
қурилишда, Давларови ва Ховос
пахта тайёрлаш пунктларининг ку-
ритиш-тозалаш цехлари қурилиш-
да, 400 ўрнлиқ ўн йиллик мактаб
ва уй-жой бинолари ва бонча

қурилишларида йилга темир-бетон
конструкциялари ва деталлардан
кенг фойдаланилади.

Коллектив бинокорликдаги бош-
қа ишларни ҳам комплекс меҳнат
таъиялат асосида меҳнат унумдор-
лигини тобора оширишга эришмоқ-
да. Жумладан, сувоқ ишларини ме-
ханисациялаш натижасида меҳнат
унумдорлиги 15 процент ошди. Бу
соҳада бонқарма бўйича энг яхши
кўрсаткичга эришган Ўртоқ Растов-
буров бригадасининг таърибаси бу-
тун коллектив ўртасида кенг омма-
лаштирилмоқда. Бу коллектив кўн-
дан бери шаҳар корхоналари ўр-
тасида, шунингдек қурувчилар ўр-
тасидаги социалистик мусобақада
ғолиб чиқмоқда. Коллектив бир не-
ча бор шаҳар партия комитети ва
шаҳар ижроия комитетининг кўчма
Қизил байроғини олишга муваффақ
бўлган.

Таъриба шунинг кўрсатмоқдаки,
қайси қурилиш участкасида йилга
темир-бетон конструкциялари ва
деталлари кўпроқ фойдаланилса, у
ерда яхши натижаларга эришил-
моқда. Шу сабабли шаҳарда энг
юқори эффекти бинокорлик мате-
риалларининг янги хилларини иш-
лаб чиқариш янада кўпайтириш
учун барча таъдирлар амалга оши-
рилади.

Н. АНТОНОВ,
Е. НАУМЕНКО.

###

